

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

КЕНТОВЛИКЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Кентов шахрида фуқароларни шахсий масалалар бўйича қабул қилиб, тўпланиб қолган муаммоларни муҳокама қилди. “Очиқ эшиклар куни”да ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда вилоят бошқармалари раҳбарлари, вакиллари иштирок этиб, мурожаатларнинг ижобий ҳал этилишига ёрдам кўрсатишди.

Қабулга келган шахарлик фуқаро “Дарын” мактабининг ётоқхона масаласини кўтарди. Иккинчи гуруҳ ногиронлиги бор фуқаро эса Кентов шахридан уй қуришни илтимос қилди. Ўзи ҳам муҳтожлар рўйхатида навбатда турганини айтди.



“Ирмоқ-Ўзан” сув омборининг чап томондаги каналини тубдан таъмирлаш ишларини юритиш масаласи юзасидан таклиф киритди.

Жами қабулга 50дан зиёд фуқаро кириб, долзарб масалаларни кўтарди. Инфратузилма,

ижтимоий масала, бошпана билан таъминлаш, сайёҳликни ривожлантиришга доир таклиф ва мурожаатларини тинглади.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди қабул давомида фуқароларнинг саволларига қонун доирасида жавоб бериб, кўтарилган

масалаларнинг ечимини топиш юзасидан мутасадди шахслар ва соҳа раҳбарларига аниқ топшириқлар берди.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабули барча туман, шаҳарларда давом этади.



“ҚИШЛОҚ ОМОНАТИ” – ДАРОМАД МАНБАИ

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Кентов шахрига хизмат сафари давомида тadbиркорлар билан учрашиб, уларнинг фаолияти билан танишди. Ҳўжалик вакиллари билан фикр алмашиб, таклифларини эшитди.

Минтақа раҳбари, дастлаб, Хонтоғи қишлоғидаги бўрдоқиччилик билан шуғулланадиган “Сали Алпомиш” хўжалигига борди. Шу ерда вилоят ҳокимига Кентовда амалга оширилаётган лойиҳалар таништирилди.

Чунончи, “Тажитдин Ата қишлоқ хўжалиги” ишлаб чиқариш ширкати паррандачилик билан шуғулланади. Кентовда балиқчилик ҳам ривожланаётганини таъкидлаш жоиз. Умуман олганда, “Қишлоқ омонати” доирасида 80дан зиёд лойиҳа молиялаштирилган. Вилоят раҳбари давлат

дастурларининг аҳамиятига тўхталиб, ширкатларнинг янги ташаббусларига муваффақият тилади.

Таъкидлаш жоизки, лойиҳанинг асосий мақсади – қишлоқларда янги иш ўринлари очиш, кичик тadbиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш, ишсизлар ва манзилли ижтимоий ёрдам олувчилар сонини камайтириш. Бундан ташқари, ўзини ўзи иш билан таъминловчиларни қонунийлаштириш ҳамда озқовқат хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

ТАРАҚҚИЁТГА ДОИР ТАДБИРЛАР КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Кентовга иш сафари билан бориб, шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига бағишланган мажлис ўтказди. Масъул раҳбарларнинг маърузалари ва ҳисоботларини тинглаб, уларнинг зиммасига аниқ топшириқлар юкллади.

– Шаҳарнинг сармоявий шароитини яхшилаш керак. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Хусусан, индустриявий ҳамда махсус иқтисодий минтақалар очилган. Бироқ, самарадорлигини кўрсата олмаётпти. Шу сабабли, махсус чора-тадбир режасини тайёрлаб, ҳар бир лойиҳа бўйича ишлар олиб бориб, сармоядорларни жалб қилиш йўналишидаги тadbирларни жонлантириш керак. Янги ишлаб чиқариш корхоналарини очиб, фуқароларнинг бандлигини таъминлашга асосий эътибор қаратиш лозим. Кентов шахрига қарашли аҳоли манзилларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш керак. Агросаноат мажмуасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш зарур, – деди вилоят ҳокими.

Мажлисда Кентов шахри ҳокими Жандўс Тасов амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар юзасидан ҳисобот берди.

Шаҳарда саноат соҳасида 32,6 млрд. тенгегга маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режа 400 млн. тенгегга бажарилмаган. Қайта ишлаш соҳасида етиштирилган маҳсулот ҳажми 28,2 млрд. тенгени ташкил этди. Қишлоқ хўжалигида 1,6 минг тонна гўшт етиштирилиб, ўтган йилга нисбатан анча камайган. Кентов шахри бўйича даромадлар режаси 2,1 млрд. тенге ҳажмида режаланиб, аниқ 2,3 млрд. тенгени ташкил қилади.

Вилоят раҳбари шаҳар ҳокими ва масъул бошқарма раҳбарларига индустриявий минтақаларни ривожлантириш, заводлар очиш, таълим соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш, санитария тозаллигини яхшилаш ҳамда бошқа масалаларни созлашга доир топшириқлар берди.

430 ХОНАДОНГА ТОЗА СУВ

Қазигурт туманининг 62та аҳоли манзилининг 60таси марказлаштирилган ичимли суви билан таъминланган.

Қизилдихан аҳоли манзили энди ичимли сувдан узлуксиз фойдалана олади. Бу ердаги ичимли сув тизимини қайта қуриш ишлари 2022 йили бошланган. Қурилиш ишлари жорий йилда поёнига етди, ундан 430 хонадон тоза сув истеъмол қилмоқда. Иншоотнинг очилиш маросимида туман ҳокими Азизхан Исмаилов шахсан ташриф буюриб, қишлоқ аҳолисининг қувончига шерик бўлди.

Айни дамда барча аҳоли

манзилларни сув билан узлуксиз таъминлашнинг мажмуавий харитаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, ушбу масалани тўлиқ ҳал қилиш мақсадида Ўғам дарёсидан бошланадиган магистрал ичимли сув қувурининг қурилиши бошланади. Мажмуавий лойиҳа Қазигурт туманидан ташқари Саригоч ҳамда Келес, Мақтаарал ва Жетисай тумани аҳолисини ҳам сифатли ичимли сув билан таъминлайди.



СЎЗОҚДА ЯНГИ ЎЙИНГОҲ

Сўзоқ туманининг 95 йиллиги доирасида 1030 ўринли замонавий спорт майдончаси очилиб, фойдаланишга берилди.



Спорт иншоотининг тақдимот маросимида туман ҳокими Мухит Турисбеков қишлоқ аҳолисини шодиёна билан кутлади. Туман маслаҳати раиси Ўрдабек Жамиев ҳамда қишлоқ оқсоқоли Мурат Жақсибаев эзгу ниятларини билдирди. Ўсмирлар ўртасида футболдан беллашув уюштирилиб, совринли ўрин эгаллаган жамоаларга махсус кубок, медаллар топширилди. Замонавий ўйингоҳ 1030 кишига мўлжалланган.

ЎҚУВЧИЛАР САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ ОРАЛАМОҚДА

“Kazakh Tourism” МК” ҲҲ томонидан ташкил этилган «Turkistan Travel Fest» тadbири доирасида Туркистон вилоятидаги мактабларнинг 9-11-синф ўқувчилари учун махсус саёҳат уюштирилди.

Унинг биринчи куни Сўзоқ тумани Чўлоққўрғон қишлоғи болалари Кентов трансформатор завоидига ташриф буюришди. Шунингдек, “Буюк Дашт эли” музейи ва “Farab” кутубхоналарига боришди. Саёҳат давомида талабаларга саноат корхоналари фаолияти ҳақида маълумотлар берилади.

Тadbирнинг ўзига хос хусусияти ва мақсади – ўқувчиларни бўлажак касбларини онгли равишда танлаш, техник касбларга

устувор аҳамият қаратиш, уларни ишлаб чиқариш корхоналари фаоллари билан таништиришдан иборат. Бу орқали талабалар техник мутахассисликлар билан танишадилар.

Лойиҳа доирасида Туркистон вилоятининг 5 қишлоғи, яъни Чўлоққўрғон, Ўранғай, Чўрноқ, Интали ва Интимақ қишлоқларидан 150 нафар бола иштирок этади. Фойдали саёҳат 17 ноябрга қадар давом этади.

»» Қозоғистон мустақиллигига – 32 йил

ЎТТИЗ ИККИ ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу эса жиноятчилик, гиёҳвандликнинг кенг тарқалишига замин яратиб, ижтимоий тушқунлик туғдирди ва ижтимоий беқарорлик салоҳиятини ошириб борди.

Пенсиялар ва иш ҳақининг ўз вақтида тўланмаслиги билан уйғунлашган юқори даражадаги ишсизлик асосан иқтисодий муаммолар, молия капиталининг йўқлиги ва уларни ҳал қилишда стратегиянинг ожизлигини юзага келтирди. Аграр ва ижтимоий шўъбаларни (соғлиқни сақлаш, таълим, фан ва бошқа) изоҳ қилишнинг самарали дастурлари йўқлиги, ўтиш даврининг мушкул шароитларида бюджет маблағларини қисқартириш ушбу ҳаётий муҳим соҳалар фаолияти ночорлашувига ва турғунлигига олиб келган эди.

Бу жараёнлар туфайли ҳар жиҳатдан хавфли демографик таназзул бўй кўрсатди. 1992 йилдан бошлаб урушдан кейинги 50 йил мобайнида илк бор аҳоли сони камая бошлади. Давлат бошқаруви етарли тайёрланмаган ва яхши ташкил қилинмаган эди. Барча ишларга ўринсиз аралашавериш, ахборотни жамиятдан сир туттишга етаклайдиган махфийликнинг ноқерак ва зарарли одати, маҳкамачилик, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик ва жамоавий масъулиятсизлик, ўринсиз ва кўп босқичли тузилма, уюшган жиноятчилик – буларни бюрократизмнинг собиқ тартиби шакллантирган эди. Вазиятни ўнглаш учун кўп ишлар амалга оширилди, жумладан “жарроҳи” усуллар ҳам қўлланилди. Лекин бу муаммо ҳозир ҳам устувор эканлиги аниқ.

Ва нихоят, қонунларимизнинг беқарорлиги дастлабки йилларда панд берди. Имкониятлардан самарали фойдаланган давлатимиз раҳбарлари хавф-хатарнинг олдини олиш, мақсадлар ва устуворликларни аниқ белгилашимиз, уларни ўз вақтида ва унумли амалга ошириш каби вазифаларни асосий мақсад сифатида белгиллади.

Сармоявий муҳитни яхшилаш, қашшоқликни қисқартириш, жиноятчиликни тугатиш, ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Инсон онгини бир зумда ўзгартириш давлатнинг қўлидан келмасди. Лекин давлат жорий вазиятни тушунтириш, муҳим ахборотни халққа етказиш ва энг асосийси, кутбаракага йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш йўли билан ўзгаришлар жараёнини жалдлаштира олди. Натижада, дастлабки ўн йиллик одамларда янги дунёқарашни шакллантиришга сарфланди.

Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис авваламбор, рўй бериши эҳтимол турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўра билиш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни қамраган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада муваффақиятга эришади. Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислохотлар дастурига маълум ўзгаришлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни замонавийлаштириш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юксак босқичга кўтаришимиз даркор.

Бунинг тасдиғини мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортага қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани мисолида кўриш, англаш қийин эмас.

Юртдошларимизнинг, бутун жамиятимизнинг ҳаётидаги ана шундай ўзгариш ва янгиланишлар, ўз моҳияти эътиборига кўра, бугунги кунда мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб боришини таъминлаётган ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни холисона баҳолаш, қўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тadbрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш борасида биз танлаган давлат бошқаруви шаклининг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай қатъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш давлатимиз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда. Айнан шунинг учун ҳам давлатимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ислохотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Ана шундай ёндашув туфайли бу борадаги ишларнинг кўлами, миқёси ва самарадорлиги кейинги ўн йилликда нихоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилганини кўлаб мисолларда кўриш мумкин.

Жаҳондаги етакчи мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизимининг такомиллаштирилиши ахборот соҳасидаги фаолиятнинг сифати ва савиясини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, бошқарув тизимини такомиллаштириш, расмийчилик тўсиқларини бартараф этиш мақсадида “Тadbиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида” Қонунини қабул қилиш муҳим аҳамият касб этди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади.

Президентимиз Мактубида таъкидланганидек, бизнинг ижтимоий сиёсатимиз барқарор ва жозибадор бўлмоғи керак. У орқали ҳар бир қозоғистонлик ўз ички имкониятларини ишга сола билиши жоиз. Ижтимоий масалаларни кейинга қолдириб бўлмайди.

Бугунги кунда амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар бир инсонни амалий ишларга сарфарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солмоғимиз, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг тараққиёти ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишимиз керак.

А. АБДУҒАТТОҲ.

ФАХРИЙЛАРИМИЗ — ФАХРИМИЗ!



Қазигурт тумани «Мўрагер» жамоат бирлашмаси фахрийлари Турбат қишлоғига ташриф буюрди. Меҳмонлар Қизилсенгир, Аққум, Сарапхана, Ушбулак, Алтинтўбе, Жигерген қишлоқлари фахрийларидир. Улар, даставвал, «Исмоил ота» масжидида Қуръон тиловат қилдилар, сўнг қишлоқ турғуни, нафақадаги устоз Баҳром Собитов меҳмонларни масжид тарихи билан таништирди.

Жавлон Собитов раҳбарлик қилаётган Туроб Тўла номли мактабда Турбат қишлоқ «Мўрагер» жамоат бирлашмаси раиси, қозоқ тили муаллими Юсуп Байсўпиев ҳамда мактаб жамоаси томонидан «Ватан меҳри — дилларда мангу» мавзuida тадбир ташкиллаштирилди. Унда афғон уруши



қатнашчилари ҳам иштирок этишди.

Тадбир давомида ўқувчилар шеър ва кўшиқлар, рақслар ижро этдилар. «Мўрагер» жамоат бирлашмасининг вилоят бўлими раиси Исмаил Аманқулов, туман бўлими раиси Райимбек Айтубай, Турбат қишлоғи фахрийлар кенгаши раиси Тўле

Ағабеков, «Қазигурт» музейи раиси Ўралбек Тажиевлар сўзга чиқиб, йиғилганларга ўз тилакларини изҳор этишди. Ўқувчиларга одоб-ахлоқ, мардлик, дўстлик, ватанпарварлик ҳақида ўғит-насиҳатлар беришди.

Нигора СОИПОВА.
Турбат.

САЙРАМ ТУМАНИДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

“AMANAT” партиясининг 2023-2027 йилларга мўлжалланган сайловолди дастурининг “Йўл харитаси”га киритилган иншоотлардан бири — Орис қишлоғидаги 62-сонли М. Анортоев номли мактабнинг 300 ўринли қўшимча биноси қурилиши ниҳоясига етиб, янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топширилди.

Яқинда “AMANAT” партияси туман филиали ижроия қотиби Қуаниш Адирбекули бошчилигидаги партия назорати комиссияси аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари Манкент қишлоғида барпо этилаётган 600 ўринли “Ойнабулоқ” макта-



бига ташриф буюриб, қурилишнинг бориши билан танишдилар. Пудратчи “Строй Экспресс РК” МЧБ. Смета қиймати — 2 326 971 979,36 тенге.

Қурилиши 2022 йил июль ойида бошланган мактабни 2024 йилда фойдаланишга топшириш режаланган.

З. МҮМИНЖОНОВ.

ШИМОЛ ЧОРЛАЙДИ

Туркистон вилоятидан шимолга кўчиб кетганларнинг ҳаёти билан танишиш учун борган ишчи гуруҳ Эсил тумани, Николаевка қишлоғида яшаётган Айгул Қулбаева билан учрашди. У Тулкибош туманидан кўчиб борган. Ҳозир у қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатмоқда. У жанубда уйсиз юрган, бу ерга келгач, бошпанали бўлди.

Бундан ташқари, делегация Мамлюткада яшовчи Динара Жусипбекова билан суҳбатлаш-

ди. У 2016 йилда Келес тумани, Мақташи қишлоғидан кўчиб келган. Турмуш ўртоғи қурилиш соҳасида ишлайди. Бугунги кунда у ҳаммом очиб, тижорат билан шуғулланмоқда.

Жетисайлик Ғани Қудабаев Эсил туманидаги Ўрнек қишлоғига кўчиб борган, рафиқаси билан мактабда ишламоқда. Тўрт нафар фарзандлари ҳам шу мактабда таълим олади.

Вилоят минтақавий
алоқалар хизмати.

ҚИШ ҲАМ ИШ ФАСЛИ

Тўлебий туманида “Ёшлар имконият маркази” ташаббуси билан ўтказилган шанбаликда сайхонликларга қайрағоч дарахтлари ўтказилди.

— Янги ўтказилган дарахт кўчатлари кўкламгача туПРОҚ билан тиллашиб олади ва тез ўса бошлайди, — дейди туман фахрийлар кенгаши аъзоси, собиқ агроном А. Сейдуалиев. — Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаев қозоғистонликлар зиммасига мамлакатимизни яшил ўлкага айлантириш вазифасини юклади. Бу ташаббус туманимиз ёшлари ва фахрийлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Кўкаламзорлаштириш тадбирлари декабрь ойида ҳам давом эттирилади, зеро қиш ҳам иш фасли. Кучли шамол пайтида дарахтлар шамолни қайтарони, шу сабабли бошқоқли дон экинлари етиштириладиган майдонларда намликни сақлаш муддатининг узайишига эришилади.

— Жорий йилда “2025 йилгача Тўлебий туманини кўк-каламзорлаштириш концеп-



цияси”га мувофиқ 10 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Бундан ташқари, Қазигурт тоғи этагида жойлашган Кемеқалган қишлоқ округи, Абай овулидаги 150 оилага дарахт кўчатлари бепул тарқатилди. Туманда сўнгги беш йилда амалга оширилаётган «Яшил ўлка» дастурининг ташаббускорлари, яъни бир гуруҳ тадбиркорлар ҳам бу тадбирда фаол иштирок этмоқда,

— дейди туман ҳокими муовини С. Дуйсебаев. — Режа бўйича 14 қишлоқ округидаги 150дан зиёд аҳоли манзилларини кўкаламзорлаштириш мақсадида туманда кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Сайёҳлар кўп келадиган Олатов ва Қасқасу қишлоғи ҳудудида ҳам минглаб турли кўчатлар ўтказилди.

Б. ДҲСМАТОВА.



СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Жамиятимизда ижтимоий соҳа мутахассисларининг ўрни бекиёс. Жисмоний имкониятларининг чекланганлиги туфайли жамиятимизда фаоллик кўрсата олмаётган фуқаролар билан мулоқотда бўлиб, уларга маънавий, руҳий ёрдам қўлини чўзаётган фуқаролар айнан мана шу соҳада замондошларига мурувват кўрсатишмоқда. Яқинда ижтимоий соҳа вакиллари ўз касбий байрамини нишонлашди.

Айём арафасида Сайрам тумани ҳокимлигида ижтимоий соҳа ходимларини мукофотлаш маросими ўтди. Соҳа мутахассисларига туман ҳокими Арман Сабитов, туман маслаҳати раиси Шамхат Холмуродов, вилоят бандлик ҳамда ижтимоий дастурлар бошқармаси раҳбари Асия



Темирбаева, шунингдек, туман маслаҳати ва “AMANAT” партияси номидан фахрий ёрликлар топширилди. Тадбирда туман ҳокими девони раҳбари Айбек Ақилбек иштирок этиб, соҳа вакилларига иззат-икром кўрсатди.

“Ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази” ДКК раҳбари

Абилай Узақов “Ижтимоий меҳнат соҳаси ходими” медали билан тақдирланди.

Илҳомжон АБДУКАРИМОВ, Сайрам туман бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлимининг “Уйда хизмат кўрсатиш” ДККнинг ижтимоий ходими.

ДЕКЛАРАЦИЯ ТОПШИРИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

2023 йил 1 январдан бошлаб умум-мамлакат декларациялаш тадбирининг III босқичи доирасида давлат муассасалари ва квази-давлат шўъбаси ходимлари ва уларнинг турмуш ўртоқлари 250.00 шаклидаги декларация топширишди. 2024 йил январдан бошлаб ҳуқуқий шахсларнинг раҳбарлари ва таъсисчилари, шунингдек, хусусий тадбиркорлар ва уларнинг турмуш ўртоқлари учун активлар ва мажбуриятлар декларацияси жорий этилади.



2025 йил январдан эса барча фуқаролар ушбу жараёнда иштирок этади.

2024 йилдан Қозоғистонда бизнес давлат назоратида бўлиб, янги автоматлаштирилган тизим асосида текширила бошлайди.

Тайёрмизми?

Ҳукумат маълумотларига кўра, ўтган йили бизнес соҳасида давлат назоратининг 35 йўналишини автоматлаштириш бўйича ишлар якунланган ва ҳозирда яна 35 йўналишда ишлар олиб борилмоқда. Янги дастур Smart Data Ukimet фойдаланишга тайёр ва 2024 йилдан бошлаб давлат назоратининг автоматлаштирилган тизими асосида ишлайди. Амалдаги қонунчилик ҳам қайта кўриб чиқилиб, бугунги кунга қадар тадбиркорлар учун асоссиз талабларни истисно қилиш учун ишлаб чиқилган қонун ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар киритилган.

Бундан ташқари, масъул давлат идоралари «Атамекен» ҳамжамияти билан биргаликда бизнес учун ҳисоботларни қисқартириш масаласини ишлаб чиқди, бу эса тадбиркорларга сезиларли даражада ёрдам беради.

Шу тариқа, умумий декларация топшириш жараёнининг 3-босқичи 2024 йилда бошланади. Давлат даромадлари кўмитаси (солиқ органи) келгуси йил активлар ва мажбуриятлар декларациясини қабул қилиб олади. Шуни инобатга олиш керакки, мажбурият тадбиркор ёки ҳуқуқий шахс фаолият юритмаса ҳам пайдо бўлади. Шу муносабат билан, тадбиркорлик фаолияти амалда бўлмаган тақдирда декларациянинг учинчи босқичида иштирок этмаслик учун йил охиригача қуйдаги тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади.

1. Агар сиз хусусий тадбиркор бўлсангиз, лекин ишлармасангиз, мақомингизни соддалаштирилган тарзда ёпиш учун яшаш жойингиздаги давлат даромадлари бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.

2. Агар сиз энди ҳуқуқий шахснинг раҳбари эмассиз, лекин давлат рўйхатидан ўтиш маълумотларини ўзгартирмаган бўлсангиз, egov.kz.веб-порталга хабар юбориш орқали маълумотларни тузатишингиз мумкин. Фаол бўлмаган ҳуқуқий шахслар раҳбарларининг рўйхати билан веб-сайтда танишиш мумкин (kgd.gov.kz).

3. Агар сиз ҳуқуқий шахснинг раҳбари (асосчиси) бўлсангиз, лекин тадбиркорлик фаолиятини олиб бормаётган ва давом эттиришни режалаштирмасангиз, корхонани рўйхатдан ўтказиш жойидаги давлат даромадлари бўлимига мурожаат қилинг.

Солиқ кодексининг 59-моддаси, 1-бандининг шартларига биноан ҳуқуқий шахс соддалаштирилган тартибда, бошқа ҳолларда солиқ текширувидан сўнг тугатилади.

Эслатиб ўтамыз, 2024 йилдан бошлаб ЯУТ (ягона умумий тўлов) Қозоғистонда ишлашни тўхтатади. Шунинг учун илгари тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказмаган фуқаролар ё тадбиркор бўлишни ёки ёлланма ходим бўлиш ҳақида уйлаб қўйишлари керак.

250 ва 270 шаклдаги декларация ўртасидаги фарқ нимада?

Агар 250-шаклдаги декларация умумий декларация тизимига киритилган санадаги барча активлар ва мажбуриятларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган бўлса, 270-шаклдаги декларацияда ўтган йил учун маълумотлар бўлиши шарт. Бунда ўтган йил давомида нима харид қилинган ва

нима сотиб юборилгани ҳақида маълумотларни кўрсатиш керак.

250-шакл актив ва мажбуриятларни ўз ичига олса, 270-шаклда даромад ва мулк кўрсатилади.

Декларация топшириш усуллари:

Электрон шаклда — «солиқ тўловчи идораси» орқали (cabinet.salyk.kz), электрон ҳукумат портали (egov.kz), шунингдек, е-Салық азамат I иловаси орқали.

Қоғоз шаклида эса давлат даромадлари идораларига мурожаат этилади.

Қоғоз орқали декларация топширилганда, солиқ тўловчи почта ёки бошқа алоқа бўлимидан хабарнома олади.

Агар декларация нотўғри топширилса ёки ўз вақтида топширилмаса, жазо турлари мавжуд.

Агар дастлабки солиқ декларацияси ўз вақтида тақдим этилмаса, солиқ идораси биринчи марта бўлгани учун огоҳлантириш билан чекланади.

Огоҳлантириш берилгандан кейин бир йил ичида жисмоний шахс қондаги такоран бузса, 15 ОҲК миқдорида жарима тўлайди.

Агар декларациядаги маълумотлар нотўғри бўлса, солиқ органлари бу сафар ҳам огоҳлантириш билан чекланади.

Лекин маъмурий жазодан кейин бир йил ичида қайта содир этилса, унда мўмай жаримага сабаб бўлади.

Солиқ солинадиган объектлар яширилса, солиқ миқдорининг икки юз фоизи миқдорида ва агар бундай қондабузарлик такрорланса, 300 фоиз миқдорида жарима солинади.

Н. МАВЛОНОВА.

»» Умумий овқатланиш шахобчаси очилди

SAFI – СОФЛИК ТИМСОЛИ

Туркистон шаҳридаги Ал-Форобий кўчасида илгариги “Самарқанд” тамаддихона ўрнида доимий обуначимиз тадбиркор Мусриддин Турсунметов ҳамда ўғли Дилмуроднинг саъй-ҳаракатлари билан бир пайтда 350 ўринли зиёратчи-хўрандалар овқатланадиган SAFI умумий овқатланиш шахобчаси очилди.



Катта ёшдагилар орасида “Ўранғай қишлоқ матлубот жамияти” деб юритиладиган, тадбиркор (мархум) Нуриддин Шамшиев барпо этган “Самарқанд” тамаддихонаси ўрнида фаолият юритадиган ушбу масканнинг янги номи ҳақида соҳиби Мусриддин Турсунметов тоомлар тайёрланиши, миждозларга хизмат кўрсатишда софлик маъноси, – деб изоҳлади. Мусриддин ака моҳир ошпаз. 2020 йили битта қозонда ўн хил па-

лов дамлаб, довруғи олисга ёйилган. Ҳатто Италия давлатидан ҳам ушбу қизиқарли янглик юзасидан шаҳар ҳокими орқали расмий тақлиф келган. Аммо, COVID-19 туфайли сафар тўхтаб қолганди. Ўзбекистондан келган расмий делегация вакиллари ҳам мазали таомлар тайёрлаб хушнуд этганди.

Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметов, фаоллардан Тўлқин Саидмуродов, Эргаш Диметов, Қаҳҳор Мусаевлар тантанали рамзий тасмани қирқдилар ҳамда юздан зиёд доимий обуначиларимиз билан биргаликда янги масканнинг очилишига тайёрланган худойи ошидан баҳраманд бўлдилар.

SAFI нинг жиҳозланиши ва миждозларга сифатли хизмат кўрсатишда ўзига хос

ўзгачаликлар кўп. Масалан, давлатимиз сиёсатининг бош мақсади – турли этнос вакилларининг тинч ва тотув ҳаёт кечириши тимсоли акс этган залда шифтга мустаҳкамланган чанғароқнинг мазмун-моҳияти теран. Туркистон шаҳрига йилига 5 млн.дан зиёд сайёҳ ва зиёратчилар ташрифи давлатимиз томонидан режаланган. Ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилинди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги арафасида тантанали очилиши вилоятимиз беш йиллиги билан бақамти келган SAFI жамоасига омад, барака, миждозларнинг самимий миннатдорчилигини тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

»» Ёнғинга қарши хизмат – 105 ёшда

Доимий обуначимиз Жумадулла Эргешов узок йиллар Туркистон шаҳридаги ёнғинга қарши кураш хизмати бўлимида самарали меҳнат қилган.

Нафақа ёшига етгач, подполковник унвонида истеъфода чиққанди. Яқинда Туркистон шаҳар фавқуллоҳда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, фуқаро мудофааси хизмати полковниги Асқар Сейсенов нафақадаги ҳамкасби Жумадулла Эргешов хонадонига ташриф буюриб, Қозоғистон ёнғинга қарши кураш бўлимининг 105 йиллиги муносабати билан юбилей медалини тантанали тақдим этиб, барча ҳамкасблари номидан мустаҳкам саломатлик ва узок умр тилади.

64 ёшга тўлган Жумадулла акани А. Навоий номи мактабда бирга таълим олган собиқ синфдош дўстлари Мирзахон Қурбонов, Мансур Худойбер-

МЕҲНАТ ФАҲРИЙСИГА МУНОСИБ МУКОФОТ



ганов, Солиҳ Жўраев ҳамда қадрдон кудаси Абдувоит Султонмуродовлар самимий муборакбод этишди.

“Жанубий Қозоғистон” га-

зетаси тахририяти ҳам холис тилаклар ижобатини тилайди.

Р. МАДАЛИЕВ.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

»» Мулоҳаза

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, қишлоқ хонадонининг файзи, қут-баракаси қаердан бошланади? Бу саволни кўплаб ҳамқишлоқларимга – кайвони оқсоқоллару момоларга, ораста хонадон бекаларига, рўзгорбоши танишларимга бериб кўрдим. Кўпчилиги дарҳол «Ердан, томорқадан», деди. Кимдир ҳазил аралаш «Сандиқдан», бошқаси «Кетмондан», яна бири «Ариқдан», деди.

Аслида менинг жайдарӣ сўровимда қатнашганларнинг барчаси ўзича ҳақ. Мен туғилиб ўсган Ёрғоллиқ қишлоғида истикомат қилган Зубайда момонинг жавоблари ёдимга тушди:

– Файз-барака тандир-ўчоқ, қозон-товоқдан бошланади-да, болам, – деган эди у. – Ўчоқбошингда саришталик, файз бўлмаса, эр-хотин минг топармон-тутармон бўлмасин, рўзғорида барака бўлмайди. Эскидан қолган одат бор. Совчиликка келган аёллар баҳона топиб биргина ўчоқбоши ёки ошхонага қараб олишади. Шу билан бу хонадоннинг рўзгорбошисию, аёли қандай, рўзгор

тутуми қанақа, бу уйда қандай ўғил-қиз тарбияланыпти, бари-ни билиб олишган. Мана, ўзим ҳам келинларимни шундай танлаганман. Ҳа, айтганча, йигитларни ҳам тандир қурдириб, ўтин ёрдириб кўриб синашган. Момонинг ўғитлари ҳали-ҳануз ҳамқишлоқларининг ёдида: «Тандир-ўчоқнинг кулини олмасдан ўтин солма, ўчоққа ахлат ташлама, оловни сув селиб ўчирма, ўтинларни супурилган жойга тахла, шифтини ис бостириб қўйма, ўқловни ётқизиб қўй, сувнинг устини очиқ қолдирма, супрани ҳамиша ораста жойда сақла...»

Менимча, бу ўғитларнинг замирида жуда улкан ҳикмат муржадасам. Ўчоқбоши барча халқларда ҳам муқаддас ҳисобланган. Балки қадимда ўчоқдаги оловга сийинган зардуштийлар расм-русумлари билан боғлиқдир бу қадриятлар. Нима бўлганда ҳам тозалик, орасталик бор жойдагина барака бўлади. Файз бўлади. Маданият бўлади. Ахир бежиз «Сариштали уй



– фариштали уй» дейишмайди. Қишлоқнинг, қишлоқ аёлининг маданияти, маънавияти, бу ерда яшовчи аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш уйларга олиб кирилган замонавий жиҳозлардан, энг сўнгги урфдаги либослардан эмас, аёлининг ўчоқбошисидан, тандирхонасидан, ошхонасидан, шу хонадоннинг ҳаммомидан бошланади.

С. МИРЗО.

»» Одамлар орасида



Ёғочдан буюм ясаш санъати – шарқ халқларининг бебаҳо миллий анъаналаридандир. Бу санъат инсондан нозик дид, қунт ва сабр-тоқат талаб этади. Зеро, битта маҳсулот тайёрлаш учун баъзан йиллар зарур бўлади.

Усталаримиз узок умр кўрган, ҳосил беришдан тўхтаган кекса ёнғоқ дарахтларини топиб, уни мўътадил ҳароратда узок қуритади. Шу боис, ўймакор устанинг маҳоратига нафақат ёғочга чиройли жило бериши, балки хомашёнинг ҳар заррасидан унумли фойдаланишига қараб ҳам баҳо берилади. Тўлебий заминда ёғочдан санъат асарлари яратган усталар кўп, улар касб сирларини шоғирдларига ўргатиб келишмоқда. Абдурашид Юнусов ана шундай инсонлар сирасидан.

– Ёғоч ўймакорлигига болалигимдан қизиққанга, – дейди отахон. – Дастлаб отамдан, кейинчалик катта ус-

таларга шоғирд тушиб, хунар сирларини пухта ўрганишга ҳаракат қилдим. Илгари хунармандчиликка эътибор бўлмагани боис, ҳар ким ўз билганича фаолият юритарди. Мустақиллик туфайли миллий хунармандчилигимизни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Бундан оқилонга фойдаланиб, тарихий анъаналарни давом эттириш баробарида, янгича услублар яратиш устида ҳам изланмоқдамиз.

Моҳир уста туманда тарихий обидаларни таъмирлаш ва тиклаш, янги барпо этилаётган иморатларни миллий меъморчилик анъаналари руҳида безатиш ишларига ҳам

муносиб хисса қўшиб келмоқда. Уста ва унинг шоғирдлари томонидан ясалган эшик ва устунлар, айвон ва тоқиларга ишланган нақшлар кўплаб замонавий бино ва иншоотларга кўрк бағишлаб турибди.

Ёғоч ўймакорлиги қадим замонлардан буён авлоддан авлодга ўтиб келаётган хунармандчилик турларидан бири. Бу санъат турли нақшларга бойлиги ва услубий хилма-хиллиги билан ўзгача. Қадимдан уй-жой бинолари ва турли иншоотларнинг устунлари, шифти, дераза ва эшиклари ёғоч ўймакорлиги асосида безатилган.

Уста билан иш устида суҳбатлашар эканмиз, шу

ҚЎЛЛАР СЕҲРИ

касбни эгаллашга нима туртки бўлганига қизиқдик.

– Авлодимизда отамдан бошқа хунарманд бўлмаган, – дейди уста. – Оилада олти фарзанд бўлсак, фақат мен шу касбни танладим. Мактабда ўқиб юрган кезларим меҳнат дарсида ўқитувчимиз ёғочдан ясалган қаламдон, қутиларни кўрсатганида бу хунарга меҳрим уйғонган. Дарсдан сўнг усталарга шоғирд тушиб, ёғоч ўймакорлиги санъатини ўргандим. Насиб этса, Бухоро мактабининг етук намоёндаларидан бири бўламан, дея олдимга мақсад қўйдим. Мана ўттиз саккиз йилдирки ҳали-ҳануз шу касбнинг сир-асрорларини ўрганишда давом этмоқдаман. Келажагимни, эртанми фақат шу соҳада кўрадим, лекин шўролар даврида санъатнинг бу турига эътибор деярли йўқ эди. Бухорога бориш насиб этди, у ерда бухоролик қиз билан танишиб, турмуш қурдим, уч фарзандли бўлдим. Кейин ўзим туғилиб ўсган Ленгер шаҳрига келдим ва фосфор заводининг ишчилар таъминоти бўлимида ҳайдовчи бўлиб ишладим. Ишдан бўш пайтларимда семимли машғулотим билан шугулланиб, анчагина санъат асарларини яратдим. Уларнинг аксариятини яқинларим ва дўстларимга ҳадаа этдим. Бир асарни яратишга йиллар кетса ҳам ҳозир

сарфлаган вақтимдан сира афсусланмайман. Инсон ўзи севган, орзу қилган ишни исхона пайтда амалга ошириши мумкин. Мажбуран қилинган ишда инсоннинг меҳнати ҳеч қачон кўринмайди. Шу боис, отам менинг орзуимга ҳеч қачон қаршилиқ қилмаган. Яна бир воқеа. Мактабга ҳали бормаган вақтларим эди. Отамнинг ёғочдан ясаган хонтахта, курси каби кўплаб буюмларига кўзим тушиб қолди. Ундаги бир-бирдан ажойиб нақшлар мени ром этганди. Оддий ёғочдан шундай чиройли буюм ясаш мумкин экан-да, дея ўйга қўйдим. Шу қизиқчи менга ёғоч ўймакорлиги хунарини ҳам ўрганишимга туртки бўлди.

Уста яратган асарлар бетақрорлиги билан ажралиб туради. Чунки, ҳар бир буюмнинг ичига махсус мураккаб механизм ва ҳаракатга келтириш нуқтаси ўрнатилган. Масалан «Хўжа Насриддин» эшагининг қулоғига қўл текрилса, думини қимирлатади., «Раққоса қиз»ни ҳаракатга келтириш учун бирон мусиқа янграса кифоя.

Жорий йилда уста «Тўлебийнинг ажойиб нақшлари» санъат фестивалига тайёргарлик кўрмоқда.

– Қарағанди шаҳридаги сиёсий лагерда ҳам бўлган экансиз...

– Аллоҳга шукурки, у ҳис-

хона 1959 йили ёпилди ва мен бир йилдан сўнг озодликка чиқдим. 58-модда бўйича қамалганман. Айбномада «Давлатнинг аграр сиёсатини асоссиз танқид қилган ва хориж техникасини мақтаган», дейилганди. Ҳисоб-ки-тоблар асосида, дўстларим даврасида Сталиннинг аграр сиёсатини танқид қилганман. Бу кетишда мамлакатни хонавайрон қилишини айтганман. ҚарЛАГ – Қарағанди шаҳридаги ўта кучайтирилган тартибдаги сиёсий маҳбуслар лагери эди. Жойнинг номи Долинка, Қарағандидан 40 чақирим нарида, ўша вақтда вилоят маркази бўлган эди. Мен қайтаётганимда Долинқада қабрлар сони 15 мингдан ошиб кетган эди, – эслайди отахон. – Уларнинг кўпчилиги номаълум шахсларга тегишли эди. Уларнинг номларини аниқлаш йўли – архивлар. Шу архив материаллари асосида китоб ёзилиб, ҚарЛАГда шаҳид кетганлар рўйхати берилса, савоб иш бўларди. Акс ҳолда, улар йўқолиб кетиши мумкин. Азоб-уқубатлар қисматимга ёзилган экан, бошқа ҳеч ким кўришини истамайман. Шунинг учун тинчликни қадрлайлик. Зеро, Аллоҳ таолонинг бизга берган улўғ неъматларидан бири – бу юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигидир.

С. МИРЗО.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.	Масъул шахслар: Туркистон, Сағрон — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07. Кентов, Сўзоқ — Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97. Тўлебий — Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16. Қазигурт — Хушид ҚўСҚОРОВ. +7-701-447-37-42. Сайрам — Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90 Тулқибоз — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси — “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродрлиги.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават. Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66. Электрон почта: janubiy@inbox.ru
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРҒОНБОВЕВ.	● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларини тўғрилиқ учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.	Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди. КЗ34VPU0022503 гувоҳнома берилган. “ERNUR-print” МЧБ босяхонасида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимовлов кўчаси, 22.	Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 12100 нусха. Буюрма: 2879
Масъул котиба — Шаҳноза УСМОНОВА.	Қозоғистон Республикасида тарқатилди.		Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.